

МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВОСИТАСИДА МИЛЛИЙ ГУРУР ҲИССИНИ ШАКЛАНТИРИШ-ИЖТИМОЙИЙ ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА

Назирова Гузал Маликовна

Күйкөн давлат педагогика институти доценти, педагогика фанлари бүйича фалсафа

доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7443716>

Аннотация. Шарқ халқлари педагогик тафаккури маҳсули бўлган миллий гурур тарбиясининг дидактик воситаларини аниқлаш, тизимлаштириши, мактабгача таълим жараёнида амалиётидаги тарбияланувчиларда миллий гурурни шакллантиришида тарбиячи ва ота она ҳамкорлиги таъминлаши болани маънавий жиҳатдан ривожлантиришида муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Мақолада мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий гурур ҳиссини шакллантириши-ижтимоий педагогик зарурият сифатида айрим таҳлиллар берилган.

Калим сўзлар: халқ оғзаки ижоди, миллий гурур, ижтимоий педагогик зарурият, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, миллий маданиятни ривожлантириши, баркамол шахс камолоти, инновацион таълим-тарбия, шахсни маънавий-маърифий, маданий шакллантириши, таълим технологиялари.

ФОРМИРОВАНИЕ ЧУВСТВА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ У ДЕТЕЙ СТАРШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ЧЕРЕЗ УСТНОЕ НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО – КАК СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ

Аннотация. Выявление и систематизация дидактических средств воспитания национальной гордости, являющейся продуктом педагогического мышления народов Востока, обеспечение сотрудничества воспитателей и родителей в формировании национальной гордости у детей в процессе дошкольного образования служит важным фактором в духовного развития ребенка. В статье дается анализ социально-педагогической необходимости формирования чувства.

Ключевые слова: фольклор, национальная гордость, социально-педагогическая необходимость, воспитание в духе национальной гордости, развитие национальной культуры, развитие всесторонней личности, инновационное воспитание и обучение, духовно-воспитательное, культурное становление личности, образовательные технологии.

FORMATION OF A SENSE OF NATIONAL PRIDE AMONG IN OLDER PRESCHOOL CHILDREN THROUGH ORAL FOLK ART - AS A SOCIO-PEDAGOGICAL NECESSITY

Abstract. The identification and systematization of didactic means of educating national pride, which is a product of the pedagogical thinking of the peoples of the East, ensuring the cooperation of educators and parents in the formation of national pride in children in the process of preschool education is an important factor in the spiritual development of the child. The article provides an analysis of the socio-pedagogical need for the formation of feelings.

Keywords: folklore, national pride, socio-pedagogical necessity, education in the spirit of national pride, development of national culture, development of a comprehensive personality, innovative education and training, spiritual and educational, cultural development of the individual, educational technologies.

Жаҳон миқёсида ёш авлодни миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, миллий маданиятни ривожлантириш баркамол шахс камолотини таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда. Шу мақсадни кўзлаган ҳолатда инновацион таълим-тарбия жараёнига шахсни маънавий-маърифий, маданий шакллантиришга асос бўлувчи ўкув материаллари ва таълим технологияларидан унумли фойдаланиш бугунги кунда тараққиётнинг глобал тенденцияси ҳисобланади. Айни вақтда Япония, Жанубий Корея ва Германия каби ривожланган мамлакатларда шахсни маънавий-ахлоқий ривожлантиришнинг назарий-амалий асосларини уйғулаштирган, тафаккур маҳсули халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур туйғуларига эга инсонни камол топтириш қонуниятларини тадқиқ этиш инсоният маданиятининг юксалиш омилларидан бирин сифатида эътироф этилмоқда.

Мактабгача таълим ва тарбия жараёнида халқ оғзаки ижоди воситасида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш такомиллаштириш методикаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача ёшдаги болаларнинг миллий ғурурини ва ўзбекона маданий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараённи ташкил этишда тарбияланувчиларининг ёш ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олиб халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш имкониятлар илмий жиҳатдан асослашга, халқ оғзаки ижоди воситасида шахсга йўналтирилган ёндашув асосида аниқ мақсадга йўналтирилган шахсий компетенцияларни шакллантиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Шарқ халқлари педагогик тафаккури маҳсули бўлган миллий ғурур тарбиясининг дидактик воситаларини аниқлаш, тизимлаштириш, мактабгача таълим жараёнида амалиётида тарбияланувчиларда миллий ғурурни шакллантиришда тарбиячи ва ота она ҳамкорлиги таъминлаш болани маънавий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Мамлакатимизда халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида ёшларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, уларни баркамол инсон сифатида шакллантириш, миллий ғурур ҳиссини таркиб топтиришда фойдаланиш, қадриятли ёндашувлар асосида жамиятни ривожлантиришнинг меъёрий- услубий таъминотини кенгайтиришга замин яратади. Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан бақувват, маънавий ва ақлий ривожланган, эркин фикр юритадиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, юрга содокатли ёшларни тарбия қилиш” каби вазифалар белгиланиб, бу борада турли халқлар педагогик тафаккури маҳсули бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари – эртаклар, ҳикоялар, ривоятлар, афсоналар, топишмоқлар, тез айтишлар мақоллар, маталлар, ўйинлар, лапарлар, қўшиқлар, латифалар, нақллар, турли байрамлар, маросимларнинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилган ҳолда, тарбияланувчиларда миллий ғурур, миллий ифтихор ҳиссини шакллантиришнинг мазмуни, шакллари ва методларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши ёш авлодда айниқса, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида шаклланиб бораётган миллий ғурур туйғусини янада ўстириш, ривож топтиришни талаб этмоқда.

Мактабгача таълим ташкилотлари халқимизнинг ўзига хос маънавий ахлоқий, интеллектуал мероси ҳамда миллий, инсоний, бир сўз билан айтганда умумбашарий қадриятларимизга асосланган ҳолда шахс тарбиясининг инсонпарварлик руҳида

сүгорилган ўзига хос услубини жорий қилишни тақозо қиласди. Мактабгача таълим ташкилотларида мунтазам ташкил этиладиган, тарбияланувчиларни “Ватанга садоқат. миллий ғуур ва буюк аждодлар маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тарбиявий ишлар жараёнида халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умумбашарий қадриятлар асосида мамлакат. миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни, миллатлараро дустлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг зарурияти ва моҳиятини ёшлар қалбига сингдириш жараёнларига рефлексив ёндашув (ўтмишга, ҳодиса ва воқеликка таҳлилий ёндашув)ни татбиқ қилиш бугунги кунда ўзнга хос аҳамият касб этади. Мазкур жараёнларда рефлексив ёндашув асосида тарбияланувчиларнинг ҳодиса ва воқеликни таҳлилий ўрганишга қаратилган фаолиятини жорий этишни назарда тутади”.

Мустақил давлат талабларига жавоб берадиган ёш авлодни тарбиялаш, қадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимини яратиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Миллий қадрият ва анъаналаримизга асосланади. Кейинги йилларда мамлакатимиз таълим муассасаларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда[138].

Фуур – сўзи фахр, ифтихор, фахрланиш, мағрур, қувонч, каби маъноларни англатади. Мумтоз шеърият ва насрларда, фахрия ва достонларда, ҳалқ оғзаки ижодида ҳам юкоридаги сўзлар маънодош (синоним) ларидан фойдаланилган.Ўзбек тилининг изоҳли лугатида ғуур сўзига қуидагича шарҳ берилган. Инсоннинг бирор нарсадан мамнун бўлиб, фахрланиш ҳисси, фахр ифтихор ҳисобланади. Миллий ғуур – муайян миллатнинг тарихий ўтмишидан, миллий қадриятлардан, жаҳон миқёсида асрлар оша тан олиниб келинаётган фан, дин, адабиёт, санъат ва маданият ютуқлари ва уларни яратган даҳолардан тарихий обида ва ёдгорликлардан миллий урф-одатларидан фахрлана олиш ҳиссидир.Миллий ғуур туйғуси ҳар бир индивидуал шахсда қуидагича намоён бўлади:

- миллатнинг миллий ва маънавий жиҳатдан эришган ютуқлари, обрў-эътибори билан ғуурланиш ,фахрланиш ҳиссини ҳис қилиши, миллатнинг ҳар қандай муаммоларига бефарқ бўлмасликва унга жавобгарлик ҳиссини туйиши;
- ўз ҳалқи ,миллатига жон қуидириши ва ғамхўрлик қилиши;
- ӯз ҳалқининг моддий-маънавий меъросини кўз қорачигидек асраб-авайлаши;
- халқнинг миллий- маънавий қадриятлари, анъаналарини, урф-одатларини ҳурмат қилиши, уларни бойитиш ва такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиши;
- ӯз миллатига бўлган меҳр-муҳаббатини амалда намоён қилиш кабилар.

Баъзан ғуур сўзи кибрланиш, кибру ҳаво, гердайиш, ўзига бино қўйиш, манманлик сингари маъноларни ҳам ташийди. Биз ижобий маънодаги ғуур ҳақида фикр юритамиз .Дарҳақиқат, агар юрагида ғуур бўлса, инсон ўзидағи бор имкониятларини ишга солиб, иродасини расо ушлаб, барча хислат ва фазилатларини юзага чиқаришга интилади.Болаларда миллий ғуур ҳиссини тарбиялаш жараёнида уларнинг онгига ўзаро бирлик ва алоқадорликда таъсир этиши ва мазмун- моҳияти билан бир-бирига боғлиқ бўлиши лозим. “Миллатнинг миллий-маданий меросдан баҳраманд бўлиши, ўз аслий тарихи, ўзига хос қадимий санъати, маънавий қадриятлари, диний ва дунёвий билимлари асосида камтарлик, меҳнацеварлик, эркесварлик, ҳақиқатгўйлик, масъулиятлилик, сахийлик, поклик каби ахлоқий тушунчалар миллий ғуурни шакллантириш жараёнида

муҳим аҳамият касб этади”. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоқий онги, уларнинг хулқ- атвори меҳнатсеварлик, адолатпарварлик ва бошқа юксак маънавий-ахлоқий сифатларнинг негизи ҳисобланади. Ахлоқий онг виждан, бурч, масъулият, ҳаё, ғурур каби туйғулар инсоннинг ички руҳий ҳиссиётига асосланади. Болаларнинг ахлоқий онги ва тафаккури эстетик ҳис-туйғулари билан ўзаро алоқада шаклланади. Уларда миллӣ ғурурни шакллантириш жараёнида эстетик ғоя, эстетик дид, гӯзаликдан завқланиш қобилияти ҳам ўсади. Халқ педагогикасида ифодаланган ғоялар, у яратган оғзаки ижод намуналари, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Хожиб, Мунис Хоразмий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби аждодларимизнинг асарларида ўз аксини топган. Кичик ёшдан бошлаб болаларга республикамизнинг давлат рамзлари бўлган Давлат мадҳияси, Қомуси, Герби ва Байроби, ўз қадриятлари, тарихи, тили, анъаналари, миллӣ байрамлари, буюк сиймолари билан фахрлана олиш ҳиссини мактабгача ёшдан ривожлантириб бориш лозим. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини маънавий жиҳатдан баркамол бўлишида миллӣ ғурурни шакллантириш тарбияси асосий ўрин тутади.

Тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, шахсда миллӣ ғурур туйғусини таркиб топтириш халқ педагогикаси тажрибаси асосида болалик давридан ривожлантириш зарур. Шахснинг камолотида миллӣ ғурур, миллӣ ифтихор, ўз-ўзини англаш, фахрланиш туйғуларининг заруратини тан олиш, мактабгача катта ёшдаги болаларда миллӣ ғурур ҳиссини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди наъмуналари жуда катта рол ўйнайди.

Болалар онгода миллӣ ўзбекона ифтихор туйғусини шакллантириш ва ахлоқий тарбиялашда ва муаммолари устида ишлашда, албатта боланинг ёши дунё қарashi ва оиласи шароити инобатга олиниши керак:

1. Ўйинга мойиллик. Ўйинлар ёрдамида бола умумқабул қилинган хулқ тўғрисида билимларни эгаллайди. Ўйинларда, бошқа фаолият турларига кўра кўпроқ боладан қоидаларга риоя этиш талаб этилади. Болалар уларни бузганга алоҳида эътибор билан танбеҳ берадилар. Агар бола кўпчиликнинг фикрига бўйсунмаса, унда у қўргина ёқимсиз сўзларни эшлиши, ўйиндан чиқиши ҳам мумкин. Бунда бола бошқалар билан ҳисоблашишга ўрганади, адолат, ҳақиқат, ростгўйликдан дарс олади.

2. Бир маромдаги фаолият билан узоқ шуғуллана олмаслик. Психологлар таъкидлаганларидек, 6-7 ёш давридаги болалар ўз дикқатларини 7-10 дақиқадан ортиқ бир предметда сақлай олмасликларини таъкидлайдилар.

Бундан ортиқ вақтда болалар чалғий бошлайдилар, ўз дикқатларини бошқа предметларга қўчирадилар, шунинг учун машғулотлар вақтида фаолият турларини тез-тез ўзгартириш зарур.

3. Тажрибанинг етишмаслиги сабабли ахлоқий тасаввурларнинг етарли аниқ эмаслиги.

4. Шунингдек, амалга ошириш тартиби ва амалий қўллаш ўртасида зиддиятлар бўлиши мумкин.

5. Катталар ва тенгдошлари билан мулойим мулоқотни қўллашнинг бир текис эмаслиги (кундалик ҳаётда ва уйда, боғчада ва кўчада).

Қадим замонлардан инсонлар ёш ва жисмоний, ақлий ривожланишининг ўзаро алоқадорлигини тушунганлар. Бу ҳақиқат алоҳида исботларни талаб этмаган: ёш

улғайиши билан донишмандлик шаклланади, тажриба тўпланади, билимлар ортади. Ҳар бир ёш даврида жисмоний, психологик, ижтимоий ривожланишнинг ўз даражаси мос келади.

“Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган — Ўзбекистон Республикасининг ilk ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларида белгиланишича, “ёш даврлари қуидаги босқичларни ўз ичига олади: гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача); эрта ёшдаги болалик (1 ёшдан 3 ёшгача); кичик мактабгача ёш (3 ёшдан 4 ёшгача); ўрта мактабгача ёш (4 дан 5 ёшгача); катта мактабгача ёш (5 ёшдан 6 ёшгача); мактабга тайёрлов ёши (6 ёшдан 7 ёшгача)”. “Айнан катта мактабгача ёш даврида (5-6 ёш) бола ўзини ўзига хос хусусиятлари билан, ижобий шахс сифатида қабул қиласи, мустақил ва ўз хатти-ҳаракатига жавоб беради. Мазкур даврда ўзига юклатилган мажбуриятларни қабул қиласи ва бажаради; ўзининг қайси миллатга мансублигини билади; ўзининг ҳохишистаклари ва қизиқишлигини аниқ белгилайди; ўз ҳиссиётларини намоён қиласи; ўз-ўзини баҳолашга қодир бўлади; мустақил ўзига фаолият турини танлайди; ғоялар таклиф этади, ташаббускор; хайриҳоҳ ва очиқкўнгил бўлади”. 5-6 ёшдаги бола ўзининг ва ўзгаларнинг ҳиссиётларини тушуниши, идрок этиши ва ўзининг ҳиссиётларини уларга мослаштиришга мойил бўлиб, ҳиссиётларнинг яхши ва ёмон тарафга ўзгариб туришининг асосий сабабини тушунади; кимнидир ранжитиб қўйса, унинг хафа бўлганида ўзини айбордир хис қиласи; яхши ёки ёмон хулқни ажратади олади ва унга тўғри баҳо бера олади; ўйин мобайнида ғолибликдан қувониш ҳиссини ҳис қиласи олади; яқин инсонлари ва дўстлари билан ўзидан қрчаётган яхши ёмон ҳиссиётлари ва кечинмаларини ўртоқлаша олади; қўрқув ва хавфни тушунади; ёшига мос бўлган, тушуна оладиган асарларни қизиқиш билан тинглайди ва уларга ҳиссиётларини намоён этади ва тушунтиришга ҳаракат қиласи, фикрини билдиради.

Катта мактабгача ёш даврида бола мулоқотга киришиш давомида ўз фикрини, ички ҳис-туйғуларини ва таассуротларини намоён этади; оила ва гурухда ташкил этилган меҳнат фаолиятида иштирок этади; ўз суҳбатдошига илтимос ёки маълумотни айта олади; мустақил, катталардан бевосита мустақилликни эркин намоён этади, ёрдам кўрсатишига тайёр; таниш инсонлар билан осон мулоқотга киришади; тушунчаларда ёритилган ижтимоий ҳулқ қоида ва меъёрларига бўйсунади (мумкин, ман этилади, яхши, ёмон, керак); бошқа болалар билан доимий дўстона муносабатларни қўллаб-куватлайди”. Бу давр боланинг ҳаётига жуда масъулияти ёндашган ҳолда, болаларда миллий-маънавий, ахлоқ қўнималарни шакллантирилади, болада атрофдагилар ҳамда жамият аъзоларига нисбатан ижтимоий муносабатлар қарор топади. Бу эса, 5-6 ёшдаги болаларнинг асосий майлларини ташкил этади. Булар ўз-ўзини англаш, ўзлигини намоён этиш, эгаллаган билимларини ўз фаолиятига татбиқ қилишга бўлган кучли интилишларда кўринади. Мактабгача катта ёшдаги болаларда ҳалқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришдаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 5-6 ёшдаги болаларда моддий фаровонлик ва билағонлигини намоён қилишдан кўра миллий ғурур туйғусини ҳис қилиш истаги кучлироқ. Кузатишиларимиз шуни кўрсатдики, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг интилишлари ва дунёқарашлари барқарор эмас. Бундай ҳолатда уларга миллий ғурур туйғусини таркиб топтириш ҳақида фикр юритиш мумкин эмас. Барқарор бўлмаган дунёқараш ва ишонч болаларни

кутилмаган қарорлар қабул қилиш ҳамда ножўя қадамлар ташлашга олиб келади. Бунинг асосий сабаби, хулқ-атвор меъёрларига ўз хоҳишига кўра амал қилмасликдадир. Бундай меъёрларга амал қилишга одатда болалар ота-оналар ва тарбиячилар томонидан мажбур қилинадилар.

С.П.Акутинанинг фикрича, бу ёшдаги болалар ўзларининг ҳаётий мақсадларини аниқламаган ва етарлича англаб етмаган бўладилар. Улар жамиятнинг ахлоқий меъёрлари ва хулқ-атвор қоидалари ҳақида етарлича билим ва кўникмалар билан куролланмагандирлар.

Бундай аҳволнинг вужудга келиши мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғуур ҳиссини шакллантириш заруритини қўймоқда. Чунки, уларда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг бой, серкирра захираси жамланган. “Маънавияти бой, масъулиятли, мустақил фикрға эга бўлган ижодкор шахсни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда —Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПҚ-4038-сон қарори” қабул қилинди. Мазкур қарорда Ўзбекистонда миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг муайян вазифалари белгиланган. Бу “Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори” ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида қабул қилинган—Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида ҳам ўз аксини топган”.

Концепциянинг бешинчи бобида айнан мактабгача таълим тизимида узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш, бу даврдан бошлаб болаларда ижобий хулқ мотивларини, —Ўзбекистон – менинг Ватаним! Туйғусини шакллантириш, уларда давлат рамзларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, ўғил болаларда мардлик, шиҷоат, миллий ғуур, қатъият, тадбиркорлик, орият, қиз болаларда ибо, ҳаё, қаноат, меҳнатсеварлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда —Бола азиз, одоби ундан азиз мавзууда эртак, матал, афсона, достон, мақоллардан фойдаланиб мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-педагоглари ва ота-оналар учун алоҳида услубий ишланмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилаб берилди. Замонавий жамият мактабгача таълим тизими олдига қўядиган асосий вазифалар орасида миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усувларини жорий этиш вазифаси долзарб вазифа ҳисобланади. Тасаввурларни тўплаш мактабгача катта ёшдаги болалар учун нафақат маънавий бойиш ҳисобланади. Омилларни йиғиш ҳолати, предметли оламда ўзини ҳис этиш унинг ҳаётини тўлиқлигининг меъёрий шарти ҳисобланади. Боланинг онгода омилларнинг бойлиги, уларни тизимга келтириш дунёқараашнинг дастлабки даражасини, олам тўғрисидаги эмпирик тасаввурларни таъминлайди. Бир вақтда, билишга оид эҳтиёжни қондириш, тасаввурлар ва образларнинг бола психикасида тўплаш натижасида омилларни англаш, уларни таққослаш ва қиёслаш, уларнинг асосида тасаввурлар ва образларни яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилади. Мактабгача катта ёшдаги болаларда ироданинг умумий этишмаслиги ҳам ёш хусусияти ҳисобланади: у белгиланган мақсад учун узоқ муддатли курашиш, қийинчилик ва тўсиқларни енгишнинг катта тажрибасига эга бўлмайди. У муваффақиятсизлика

ноумид бўлиши, ўз кучи ва имкониятларига ишончини йўқотиши мумкин. Кўпинча қайсарлик, ўжарлик кузатилади. Уларнинг одатий сабаби – оиласвий тарбиянинг хатоликлари ҳисобланади. Бола унинг барча истаклари ва талаблари қондирилишига одатланган, унинг талаблари рад этилмаган. Қайсарлик ва ўжарлик – бу унга оиласвий мактабгача таълим ташкilotида қўйиладиган қатъий талабларга қарши боланинг ўзига хос норозилигининг шаклидир.

Мактабгача катта ёш даври шахснинг ахлоқий сифатлари ривожланиши учун катта имкониятлар тақдим этади. Бунга уларнинг бўйсунувчанликлари ва маълум ишонувчанликлари, тақлидга мойилликлари, асосийси эса катталарнинг дўстона муносабати ёрдам беради. Шунинг учун бу ёш даврида боланинг ҳаётида оила аъзолари ва педагог-тарбиячининг роли катта бўлиб, улар шахснинг ижтимоий жараёнга кириб боришига, ахлоқий хулқининг шаклланишига бевосита ва билвосита ёрдам беради. Бундан ташқари, мактабгача катта ёш даврида, маънавий меъёрлар ва хулқ қоидаларини ўзлаштириш содир бўлади, шахснинг ижтимоий йўналганлиги шакллана бошлади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар характери айрим хусусиятлар билан фарқланади. Кўпинча, улар жуда импульсивлар, шунингдек импульслар, ундовлар таъсири остида ўйламай ва барча шароитларни ҳисобга олмай, тасодифий ҳолатлар бўйича дарҳол ҳаракат қилишга мойил бўладилар. Бунинг сабаби хулқни иродавий тартибга солишнинг ёшга оид заифлигига фаол ташки турткига эҳтиёж ҳисобланади. Шу тариқа, бугунги кунда катта мактабгача ёш (5 ёшдан 6 ёшгacha) даври 5 ёшдан 6 ёшгacha чегараларига эга. Мазкур ёш даврида қуйидаги психологик янги ҳосилалар кузатилади – психик жараёнларнинг тасодифийлиги, ҳатти-ҳаракатларнинг ички шарти, рефлексия. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда бу даврда кўргазмали-образли фикрлашдан оғзаки-мантиқий, тушунчавий фикрлашга ўтиш содир бўлади. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг педагогик хусусиятларига, бу даврда болалар жуда эмоционалликларини киритиш мумкин ва педагогларнинг асосий вазифалари болаларни келгуси ўкув фаолиятига уларнинг оламни идрок этишлари орқали мотивацияларини мақсадга мувофиқ ошириш ҳисобланади.

Бундан ташқари, катта мактабгача ёш даврида бола ўйинли, меҳнат фаолияти, спорт ва санъат билан шуғулланиш каби фаолият турларини бажаради. Аммо ўйин фаолияти етакчи бўлиб ҳисобланади. Мазкур ёш даврида бола шахсининг ўз-ўзига баҳосига унинг ўкув фаолиятидаги ўзлаштириши катта таъсир кўрсатади. Тадқиқотларга кўра, катта мактабгача ёш даврида болаларда ўзгача муносабатлар юзага келади, булар —тарбияланувчи - педагог, - бола. Мазкур ёш даврида етакчи эҳтиёжлар ўзини предметли муҳитда тасдиқлашга интилиш ва ўкув фаолиятига билишга оид қизиқишиларнинг хилма-хиллиги ҳисобланади. Катта мактабгача ёш даврида ўйин фаолияти жараёнида бурч, катталар олдида (ота-она, тарбиячи) масъулият ҳисси каби ижтимоий мотивлар катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, мактабгача катта ёш даври шахснинг ахлоқий сифатларини ривожлантириш ва шакллантириш учун энг қулай ҳисобланади, бунга болаларнинг бўйсунувчанликлари ва маълум ишонувчанликлари, тақлидга мойилликлари ёрдам беради. Ижтимоий тажрибанинг ортиши туфайли болаларда фазо, вақт, ҳаракатни идрок қилиш кўлами кенгаяди, улар ўз олдиларига қўйилган саволларга жавоб топишга интила бошлайдилар. “Болаларни халқ оғзаки ижодини билиши Г.И.Батурина, М.Н.Братухиналар томонидан маънавийлик, миллий маданиятга ва халқ тарихига жалб

этишнинг ўзига хос омили сифатида тушунилади, булар анъанавий талим-тарбия йўналиши орқали болада ҳар томонлама қобилиятли қилиш имконини беради”.

Эътироф этиш керакки, миллий анъаналарнинг педагогик имкониятлари катта ёшли инсонларга нисбатан чуқур ўрганилган. Айнан ҳалқ оғзаки ижоди анъаналари бизнингча, мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда кенг имкониятларга эга. Аммо ҳалқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусияти сифатида синкетизмни инобатга олиб, мазкур соҳа тадқиқотчилари, ҳалқ ижодининг оғзаки шакли одатда умумийликда фольклор анаъаналарини ташкил этувчи, қўшиқ куйлаш, рақс, ўйин ҳатти-ҳаракатлари ва бошқалар билан биргаликда қўлланилишини аниқлаганлар. Мактабгача катта ёшдаги болаларда ҳалқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жараёнида боланинг ижодий имкониятлари амалга оширилади. Ҳалқ ижодининг шахсада миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш воситаси сифатидаги таъсири бола ижод субъектига айланганида кучаяди. Бизнингча, замонавий педагогик тизимнинг асосий вазифаларидан бири болаларни ижодий жараённинг иштирокчиларига айлантириб, уларни фаол ижодий даражада ҳалқ ижоди оламига олиб киришнинг самарали методларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу масалани ҳал этишга муайян шарт-шароитнинг талаб этилиши асосида болаларнинг миллий маданий анъаналар, қадриятларни ўзлаштиришга қўмаклашувчи маҳсус тузиладиган вазиятлар, шароитлар, ўзаро алоқалар имкониятларининг мажмуи тушунилади. Кундалик ҳаёт ва байрамларда, анъана ва урф-одатларда, маҳалла ва оиласидай ўзаро муносабатларда миллий ғурурланиш ғоялари ифодаланган ва ривожланган. Шу сабабдан ҳам ҳалқ анъаналарида қўлланилган, асрлар давомида синалган баркамол шахсни тарбиялаш воситаларидан воз кечиб бўлмайди. Мазкур жараёнда мактабгача таълим даври етакчи ролни эгаллайди. Айнан мазкур даврда шахснинг интенсив ривожланиши ва сифат ўзгаришлари содир бўлади. Мактабгача ёш даври миллий ғурур, —мен концепцияси мотивларини шакллантиришда ва болаларнинг билишга оид қизиқишиларини ривожлантиришда, ижтимоий ва ахлоқий қоидаларни ўзлаштиришларида сензитив ҳисобланади. Ҳалқ санъати ўзининг ёрқинлиги, эмоционаллиги, хилма-хиллиги, табиийлиги билан боланинг эмоционал оламига таъсир кўрсатади, қўшимча ўзгаришларсиз унинг маънавий соҳасига кириб боради ва ижодий қобилиятлар ривожланишининг амалий воситаси ҳисобланади.

Аммо ҳалқ оғзаки ижодини ўзлаштирувчи болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш муаммоси психологик ва педагогик адабиётларда етарлича ёритилмаган, бу болаларни ҳалқ оғзаки ижоди асосида тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тарбиячи-педагогларнинг ишларини сезиларли мураккаблаштиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: – “Ҳар қайси ҳалқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, достон ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади”. Ушбу диссертацияда тақдим этиладиган педагогик имкониятлар ва дидактик воситалар мактабгача катта ёшдаги болаларда ҳалқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда кенг педагогик имкониятлар яратади. Миллий ғурур – миллий қадрият, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси заминида шаклланган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Ёш авлодда она заминга бўлган муҳаббат, у билан фахрланиш қанчалик кучли бўлса, Ватанни севиш, юксак даражада эъзозлаш кучайса, ҳар

бир инсон ўз ватани тарихи, миллий қадриятлари, ўзининг она тили, маданияти, миллий урф-одатлари, анъаналарини мукаммал билса, миллат тақдири ва истиқболи ҳақида чукур тасаввурга эга бўлса, мустақиллик шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади. Ҳозирги даврда маънавият масаласи Янги Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамлаш, истиқбол сари ишонч билан боришда шахс маънавиятини шакллантириш масаласи асосий йўналишлардан ҳисобланади. Етук маданиятли инсонгина истиқюл мағкурасини эгаллаб, келажак томон аҳиллик, биродарлик асосида боради. Маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантиришда миллий тил ва миллий маданият, миллий онг, миллий ўз- ўзини англаш, миллий ҳис-туйғу ва миллий ғурурни ўстириш муҳим ўринда туради. “М.Куроновнинг фикрича, миллий ғурур – муайян миллатга мансублик ва ушбу миллат томонидан жаҳон маданиятига қўшилган ҳиссадан фаҳрланиш, шунингдек, ўзи мансуб бўлган миллатга садоқатли бўлиш ҳиссини туйиш ва бу йўлда амалий фаолият кўрсатишдан иборатдир”.

Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ўз ифодасини топган. Юртимизда дунё маданиятининг барча соҳаларида минглаб жаҳоншумул улуғ зотлар, алломалар, давлат арбоблари етишиб чиққан. Улар умумбашарий Шарқ маданияти ривожида ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий-маънавий мероси жаҳон маданиятининг ажralmas узвий қисмидир. Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк алломаларнинг билдирган фикрлари ҳозирги кунда ҳам таълимтарбияда ибрат манбаидир. Уларнинг мерос қилиб қолдириган педагогик қадриятларини ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштириш, мустақиллик йилларида таълимда қўлланаётган методлар, педагогик фикр ривожини ўрганиш, тадқиқ этиш ҳам давр талабидир.

Ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бола – энг аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Оила ҳаёт давомийлигини таъминлаб берадиган, келажак авлодлар келажак ҳаётига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиласиз. Ҳурматиззат, миллийлик, одамийлик, меҳр-оқибат, ватанга муҳаббат, халқига садоқатли бўлиш каби олийжаноб хислатлар айнан оила муҳитида шаклланиб сайқалланиб боради. Миллий ғурурни хусусан ёш авлодлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали шакл ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақазо этилади. Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг таълим-тарбия масаласи давлатимиз ҳамда юртбошимиз эътиборида турган долзарб масаладир. Шу боис ватан-туйғуси, ватанпарварлик ҳислари, миллий ғурур, мустақиллик ғояси ҳамда меҳр ва садоқат туйғуларини болани ёшига мос равишда шакллантириш мактабгача таълим ташкилотлари вазифаларининг асосини ташкил этиади.

Республикамиз илм аҳллари, олимлари ана шу мақсад йўлида хизмат қилиб, маънавият, маърифат, таълим-тарбияга, миллий мағкурага доир асарлар, ўқув қўлланмалари яратдилар. Республикаси олимлари О.Мусурмонова, М.Қуронов, Д.Рўзиева, Ш.Шодмоноваларнинг ишларида ёш авлодда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ҳиссини таркиб топтириш масаласи мустақиллик мағкураси билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган.

Маънавий қадриятларнинг ёш авлод маънавий маданиятини шакллантиришдаги устуворлигини профессор О.Мусурмонова қуидагича изоҳлайди: - “Маънавий

қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл - заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келгуси орзу - истаги, эътиқоди, аҳлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таняч воситаси ҳисобланади; маънавий қадриятлар тараққиёт босқичига эга, ҳаётда синалган, ижтимоий тараққиётда аҳамиятли, аждодлардан авлодларга ўтувчи ижтимоий ҳодисадир; маънавий қадриятлар жамият ривожининг негизи, халқнинг тарихий тараққиётида эришилган барча ютуқларни ифодаловчи ва сақловчи қудратли омилдир” - деб таъкидлайди.

Юқорида баён этилган фикрларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда талаб эътиладиган жараён бу мактабгача таълим ташкилотларида юзага келган ижтимоий зарурият билан болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жараёни орасидаги номутанносибликни бартараф этиш учун ягона мақсадга йўналтирилган мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилган педагогик қарашлар, ёндашувлар, методикалар, илфор тажрибаларни тизимлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада қуйидаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш зарурияти мавжуд:

- мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг илмий педагогик асосларини белгилаб бериш;
- халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга хизмат қиласидиган дидактик воситалар, методикаларни аниқлаш;
- болалар фолклоридан фойдаланган ҳолда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари онига миллий ўзбекона ғурур туйғусини сингдириш кабилар.

REFERENCES

1. Выготский Л.С. Слепой ребёнок // Собр. соч. М.: Педагогика, 1983. Т. 5.
2. Денискина В.З. Психология воспитания детей с нарушением зрения / под ред Л.И. Солнцевой и В.З. Денискиной. М.: Налоговый вестник, 2004.
3. Корнилова И.Г. Личностное своеобразие и его роль в процессе
4. социализации подростков с патологией зрения // Дефектология. 2001. № 2. С.3–12.
5. Литвак А.Г. Психология слепых и слабовидящих: учеб. пособие /А.Г. Литвак; Рос. гос. пед. ун-т им. А.И. Герцена. СПб.: Изд-во РГПУ, 1998.
6. Малофеев Н.Н. Специальное образование в меняющемся мире.
7. Россия.: учебное пособие для студентов педагогических вузов: в 2 ч. М.:Просвещение, 2010. Ч.1.
8. Основы специальной психологии: учеб. пособие для студ. сред. пед.
9. учеб. заведений / Л.В. Кузнецова, Л.И. Переслени, Л.И. Солнцева и др.; под ред. Л.В. Кузнецовой. М.: Изд. центр «Академия», 2002. 17.11.2011). Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. Тошкент.: “Fan va texnologiya”2008. -132 б.
10. Рахимова Ф.М. Активизация развития креативного познавательного мышления детей дошкольного возраста. «Zamonaviy dunyoda pedagogika va psixologiya» nomli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiya материаллари.66-70-б.

11. Rakhimova Feruzakhon Muhammadjanovna. (2022). THE SYSTEM OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY OF FUTURE EDUCATORS THROUGH PERSONCENTERED EDUCATION. World Bulletin of Social Sciences, 7, 75-77. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbss/article/view/583>
12. Rakhimova Feruzakhon Muhammadjonovna. (2021). Improvement Of The System Of Formation And Development Of Creative Activity Of Future Educators On The Basis Of PersonalityOriented Education. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 3, 32–36. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/ejhss/article/view/234>
13. Qodirova Dildora Najatbekovna. (2022). FORMATION OF INNOVATIVE THINKING SKILLS IN PRESCHOOL CHILDREN ON THE BASIS OF PERSONALLY EDUCATION. World Bulletin of Social Sciences, 7, 70-72. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbss/article/view/581>
14. G‘anieva Dildoraxon Muqimovna. (2022). THE IMPACT OF MEDIA ON THE FORMATION OF SOCIAL CONSCIOUSNESS IN OLDER PRESCHOOL CHILDREN. Conferencea, 129–134. Retrieved from <https://conferencea.org/index.php/conferences/article/view/419>
15. Ричардсон. Дж. Мысленные образы: когнитивный подход/ Пер. с англ.; науч. ред. А. А. Гостев.— М.: Когито-Центр, 2006. 174 б.)
16. Сайдкулов Ш. Узлуксиз педагогик таълим ва малака ошириш муаммолари. – Самарқанд: СамДу, 1996.-766
17. Назирова, Г. М. "РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВОСПИТАТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ НА ОСНОВЕ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА." Актуальные проблемы современной науки 4 (2014): 96-99.
18. Назирова, Г. М. "Особенности процесса деятельности воспитателей дошкольных образовательных учреждений." Вопросы гуманитарных наук 4 (2014): 61-63.
19. Guzal, Nazirova. "MAKTABGACHA KATTA YOSHDAGI BOLALARDA IJTIMOIY ONGNI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI." Yosh Tadqiqotchi Jurnalı 1.5 (2022): 35-39.
20. Guzal, Nazirova. "PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF SOCIAL CONSCIOUSNESS IN PRESCHOOL CHILDREN." Yosh Tadqiqotchi Jurnalı 1.5 (2022): 40-46.
21. Malikovna, Nazirova Guzal. "MODERN APPROACHES TO THE EDUCATIONAL SYSTEM OF PRESCHOOL ORGANIZATIONS." INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876 16.06 (2022): 76-81.